

## **ЎЗБЕКИСТОНДА ЁШЛАР РАДИКАЛЛАШУВИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР**

Мафкуравий зиддиятлар авж олган бугунги глобаллашув даврида интернет ва ижтимоий тармоқларда ёшлар онгини заҳарлашга қаратилган таҳдидлар тобора кўпроқ намоён бўлиб бормоқда. Афсусланарлиси, бунинг натижасида айрим ёшлар орасида оммавий маданиятга эргашиш, ахлоқсизлик, жиноятчилик йўлига кириш, кашандалик, гиёҳвандлик, спиртли ичимликларга ружу қўйиш, ўз жонига қасд қилиш, миллий ва диний қадриятларга ҳурматсизлик, экстремизм ва радикализм каби ижтимоий иллатларга берилиш ҳолатлари кузатилмоқда.

Ёшлар онгини эгаллаш борасида бугунги кундаги айрим жамоа ва шахсларнинг замонавий ахборот воситалардан кенг фойдаланаётгани таъкидлаш лозим. Буни айрим статистик маълумотлар орқали ҳам кузатиш мумкин. Жумладан, “statista.com” порталининг маълумотларига кўра, Facebook ижтимоий тармоғининг ўзида 2023 йилнинг уч чораги давомида **36 300** та экстремистик ва бузғунчиликка даъват қилишга йўналтирилган аккаунтлар аниқланган ва фаолияти тугатилган.

Нуфузли “*Tech Against Terrorism*” портали 2022 йилги ҳисоботида келтиришича, “ИШИД”, “Ал-Қоида” каби террорчи ташкилотлар ҳамда “Atomwaffen Division” ва “Combat 18” сингари ашаддий миллатчи-ирқчи экстремистик гуруҳларнинг ғояларини тарқатувчи 198 та сайт борлиги аниқланган. Ушбу сайtlарга ойига тахминан 1.5 млн киши кирган ва ундан маълумот ўрганган. Сайтлардаги 91% маълумот террорчилик фаолиятини оқлаш, зўравонлик ишлатишга тарғиб қилиш, одамга тажовуз қилишга қаратилган даъватлар борлиги кузатилган.

Шунингдек, “Tech Against Terrorism” портали маълумотларида экстремистик ташкилотлар томонидан ёшлар орасида ёт ғояларни тарқатиш мақсадида сунъий интеллектдан ҳам фойдаланилган. 2023 йил давомида “ChatGPT” ва “Midjourney.AI” ёрдамида 5000 дан ортиқ материаллар тайёрланган ҳамда ижтимоий тармоқ ва бошқа платформалар орқали тарқатилган. Бу материаллар аксари уруш ва бузғунчилик ғояларини оқлашга қаратилган. Шунинг учун, интернетда кузатилган маълумотларга нисбатан танқидий фикрни ёшлар орасида шакллантириш, замонавий технологиялардан фойдаланиш

маданиятини ошириш бугунги кундаги долзарб вазифалардан эканлиги ошкора бўлмоқда.

Ҳозирги кунда инсонларнинг тинчлиги, мамлакатларнинг хавфсизлиги, жамиятларнинг барқарорлигига рахна солаётган иллатлар қаторида тилга олинадиган терроризм, экстремизм, радикализм ва диний мутаассиблик ҳолатлари айнан бир диний қарашлар, эътиқодлар замирида эмас, балки инсоният тарихида содир бўлган маълум сиёсий ва ижтимоий жараёнлар таъсири остида юзага келгани борган сари аниқ бўлмоқда. XIX-XX асрларда ер юзининг деярли барча ҳудудларида мустамлакачилик сиёсатининг тугатилиши, иқтисодий таназзуллар натижасида юзага келган моддий қийинчиликлар, эътиқод масалалари билан боғлиқ маънавий бўшлиқлар, замонавий технологиялар ривожланишига эҳтиёжлар ортида анъанавийлик (консерватизм)ни сақлашга интилган кучлар, янгиликни инкор қилишга ҳаракат қилган шахслар ҳамда янги ташкил қилинган давлат ҳукуматини зўрлик билан тугатишни истаган жамоаларнинг қарашлари билан уларнинг ҳолатларини аниқлаштирадиган ибора ва терминлар юзага келган эди. Жумладан, шундай терминлардан бири радикализм бўлиб, у 1802 йилда Буюк Британиянинг Оксфорд луғатида қайд қилинган. Унга кўра, **радикализм** (яъни, лотин тилида “radix” – илдиз маъносида қўлланилган бўлиб) бу муайян шахс ёки гуруҳнинг мавжуд ижтимоий, сиёсий ва маданий ҳолатни тубдан ва муросасиз ўзгартириш истагидан иборат жараён, деб тавсифланган.

Бу тушунча дастлаб XVIII аср охири ва XIX аср ўрталарида Фарбий Европада содир бўлган кескинлик жараёнларга нисбатан ишлатилган. Бундай жараёнлар қаторига, Англияда черков ва монархия ҳокимиятини тугатиш ҳамда инсонларнинг асосий хуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган чиқишилар, Францияда республикани тиклаш тарафдорларининг курашлари асносида содир бўлган ҳаракатларини киритиш мумкин. Европадаги мавжуд тузум ва тартибларга қарши чиққан ҳамда зўрлик ишлатишни ёқлаган айrim гуруҳларни “радикаллар” деб номлашган.

Замонавий мутахассислар радикализм тушунчасига тўлиқроқ таъриф беришади. Хусусан, радикализм умумэътироф этилган анъаналарга бутунлай зид муносабатда бўлиб, кескин ҳаракатларни ёқлаб чиқади ҳамда ижтимоий ҳаётнинг ҳам назарий, ҳам амалий муаммоларини ҳал қилишда зўрлик усулидан фойдаланишга мойиллик, деб қаралади. Шу билан бирга радикализм ғояси тарафдорлари тинч йўл

билин ҳал қилиш мумкин бўлган оддий муаммоларни ечишда ҳам куч, зўравонликдан фойдаланишга интилади.

Таъкидлаш лозимки, радикализм билан боғлиқ жараёнлар диний йўналишда ҳам намоён бўлиши мумкин ҳамда у диний фанатизм, яъни мутаассиблик сифатида тушунилади. Диний радикал шахс ўз диний эътиқодини ҳақ деб билиб, ўзгача эътиқодий қарашлар ва фикрларга муросасиз ва кескинлик асосида ёндашади ҳамда уларни зўрлик йўллари билан ўзгартириш тарафдори бўлади. Бундай ҳолат кўпинча жамиятда мавжуд турли диний конфессияларга кескинлик билан ёндашиш, бир дин доирасидаги ўзга мазҳаб ёки қарашларни муросасиз инкор этиш ҳамда уларни рақиб сифатида қабул қилишда намоён бўлади.

Афсуски, ҳозирги кунда кўплаб соҳа мутахассислари диний радикализм иборасини айнан ислом дини билан боғлаган ҳолда қўллашининг гувоҳи бўлишимиз мумкин. Маълумотларга қўра, радикализмни ислом дини билан боғлаб кўрсатиш XIX аср ўрталарида Арабистон ярим оролидаги ваҳҳобийлик ҳаракати, XX аср бошларида Яқин Шарқда салафийлик ғоясининг тарқалиши, 1979 йилда Эрондаги тузумнинг ўзгариши ҳамда кейинги даврда куч ва зўравонлик ишлатиб, ҳокимиёт ўрнатишни мақсад қилган жангари гуруҳлар (“Ал-Қоида”, “Ҳизбуллоҳ”, “Толибон”, ИШИД ва бошқалар)нинг юзага келишида пайдо бўлган. Исломни ниқоб қилган жангари жамоалар “соф” исломни тарқатиш, ислом давлатини қуриш, ўзлари тушунмаган шариат аҳкомларини жорий қилиш шиори остида ҳаракатга киришган эдилар. Улар ўз мақсадларига эришиш йўлида ҳар нарсага тайёрликларини намойиш қилиш орқали тинчликсевар ва муқаддас ислом динини энди терроризм билан боғлашга ёрдам бермоқдалар холос.

Мутахассислар инсонда радикализм белгиларининг шаклланишига сабаб бўлувчи омиллар сифатида қуийдагиларни келтиришади:

- болалиқдаги тарбия типи (авторитар, эзувчи, шубҳали, назорат қилувчи, “оила қўмири” типи бўйича ёки ҳеч қандай назоратсиз ҳамма нарсага рухсат этилган ва бошқ.);
- шахснинг ўзига хос хусусиятлари (ўзига паст баҳо бериш, ўзини тасдиқлашдаги устувор эҳтиёжлар, нуқтаи назари, ғоялари, психологик ҳимоя невротик механизмлари);
- кескин вазиятларда хулқ-атворнинг вайрон қилувчи, емирувчи ва ўзига қаратилган стратегияси;
- шахснинг бузилиши: тебе, хавотирли, ўта мутакаббирлик.

Психологларнинг таъкидлашича, ёшлардаги тажрибасизлик ва ҳиссиётга таянган ҳолда иш юритиши, ташқи таъсир натижасида руҳий ҳолатининг ўзгарувчанлиги; руҳий тушкунликка тез тушиши ва руҳий зарбаларга чидамсизлиги; яқинлари эътиборидан бутунлай четда қолиши; ўта қизиқувчанлик ҳамда ахборотларни тўлақонли таҳлил қилмаслик, ишонувчанлик каби қатор омиллар ҳам радикаллашув жараёнига хизмат қилиши мумкин.

Бинобарин, радикал ғоялар таъсирига тушиб қолган ёшлар ўз оила аъзолари, яқинлари, маҳалла, кўча-кўйдаги тенгдошларини ҳам мутаассиб шахсга айлантиради. Шунингдек, ёшларнинг турли оқимларга кириб қолишлари сабаблари қаторида улардаги билим ва тажрибасизлик, шу жумладан, диний илмларни эгаллашга бўлган қизиқиш ва интилиши ҳамда ишонувчанлиги, бирданига ва ҳамма нарсага (бойлиқ, шон-шуҳрат, мартаба ва ҳ.к.) эга бўлишга ҳаракат қилиши, илмий тилда айтганда максимализм каби маънавий-руҳий омилларни ҳам алоҳида ажратиб кўрсатиш лозим.

Бундан ташқари, ёшларнинг радикализм таъсирига тушиб қолиши оиласидаги моддий қийинчилик ва етишмовчилик, ишсизлик, кам таъминланганлик, аламзадалик, сиёsatдан норозилик каби қатор ижтимоий ҳолатлар билан ҳам боғланади.

Радикализм ғоясидан қайтариш маҳсус дастурий ишлар асосида амалга ошириши мақсадга мувофиқдир. Бундан дастурларнинг асосий таркибий қисмларига радикал ғоялар таъсирига тушган шахслар билан коммуникатив ҳаракатлар, суҳбатлар, диний мунозара ва қўрсатмалар, тажовузкор хатти-ҳаракатларнинг сабаби деб қаралган масалалар бўйича ўзаро суҳбатлар, психолог ва бошқа мутахассисларнинг тавсия ва кўрсатмалари киради. Дерадикаллаштириш жараёнларининг муваффақияти қуидаги зарурий шартлар асосида амалга оширилиши лозим:

- мутаассиблашган шахснинг асосий илгари суроётган мафкурасини билиш ва унинг диний-психологик портретини чизиш;
- мутаассиб ғояларга эргашган шахснинг диний мотивларини тушуниш;
- шахснинг келиб чиқсан жамиятдаги муаммоларини тушуниш;
- экстремистик ақидаларни аниқлаш ва радикализм кўрсаткичларини аниқ белгилаб олиш;
- диний мулоқотни йўлга қўйиш;
- диний таълим даражасини мониторинг қилиш;

- таълим ўқув дастурларида умуминсоний туйғулар ҳамда маърифатпарварлик фаолиятига тааллукли дарс соатларини кўпайтириш;
- ёшларнинг тарихни ўрганиш бўйича дастурни қўллаб-куватлаш;
- ёшлар билан мулоқот қила оладиган психологик ёрдамларни кўрсатиш қобилиятига эга мутахассисларни жалб этиш;
- ёшлар орасида доимий равища бузғунчилик мафкураси ва хатти-ҳаракатларини қонунга хилоф эканлигини тушунтириш ва уларнинг салбий оқибатлари ҳақида тушунтиришлар олиб бориш;
- кам таъминланган оиласаларга ижтимоий ёрдам ва таъминот тизимини янада ошириш;
- мутаассибларни қайта ижтимоийлаштиришда уларнинг оиласига ёрдам бериш;
- диний соҳада обрўли ва малакали мутахассисларни жалб этган ҳолда ёшлар ва аёллар билан диний масалада очиқ мулоқотларни ташкил этиш.

Шунингдек, мутахассислар давлатнинг ҳуқуқий, маъмурий жараёнлардаги изчил ислоҳотларни мунтазам олиб боришини ҳам мутаассиб шахсларнинг радикализм ғоясидан қайтаришнинг қўшимча шартлари сифатида эътироф қиласидилар. Бунда радикализмнинг олдини олишга қаратилган тизимли дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда ҳокимият зарурий назорати остида муваффақиятли амалга ошириш талаб этилади. Сабаби, ижтимоий ҳолати бекарор ва кучсиз давлатлар диний радикализм ўчоғига айланиш таҳди迪 юқори бўлади.

Хулоса ўрнида таъкидлаб ўтиш лозимки, ҳозирда диний мутаассиблик ва экстремизм иллатларидан ёшларимизни ҳимоя қилиш, бузғунчи ғояларнинг тарқалишини олдини олиш давримизнинг муҳим талабларидан бўлганлиги сабабли, қуидаги амалий чора-тадбирлар бажариш мутахассислар фикрига кўра, устувор ҳисобланади:

**Биринчидан**, ёшлар орасида таълим (диний ва дунёвий)ни ривожлантириш, танқидий ва таҳлилий фикрлашни ўстириш, бағрикенглик ва турли нуқтаи назарларни тушунишга ёрдам берадиган сифатли таълимни жорий этиш. Мулоқотни рағбатлантирадиган ва маълумотни танқидий равища мулоҳаза қилиш ва таҳлил қилишга ўргатувчи инклюзив ва очиқ муҳитни яратиш зарур.

**Иккинчидан**, ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, улар орасида ўз оиласи ва ватанига тегишлилик ҳиссини уйғотиш лозим, ёшларда жамоавийлик руҳини пайдо қилиш керак бўлади.

**Учинчидан**, ижтимоий-иқтисодий омилларни ижобий ҳал қилиш. Бунда таълим, бандлик имкониятлари ва ижтимоий хизматлардан тенг фойдаланишни таъминлаш орқали ижтимоий-иқтисодий номутаносибликларни бартараф этиш зарур. Ёшларни радикаллашувга мойил қилиб қўйиши мумкин бўлган қашшоқлик, тенгсизлик ва жамиятдан ажралиб қолиши билан боғлиқ ҳолатларни вақтида кўриб чиқиш талаб этилади.

**Тўртинчидан**, мутаассиблашувга қарши онлайн тарзда курашиш, экстремистик тарғиботга онлайн тарзда қарши туриш учун технологик компаниялар ва ижтимоий медиа платформалари билан ҳамкорлик қилиш зарур. Интернетдан фойдаланиш маданияти, танқидий фикрлаш ва медиа саводхонлигини тарғиб қилган ҳолда экстремистик контентни аниқлаш ва йўқ қилиш бўйича самарали стратегияларни ишлаб чиқиш керак бўлади.

**Бешинчидан**, ёшларга бериладиган имкониятларни янада кенгайтириш ва жамият ишларига қўшилиб кетиши учун шароитларни кўпайтириш. Бағрикенглик туйғусини кучайтириш, миллатлараро тотувлик руҳини тараннум қилишга қаратилган тадбирлар қўламини ошириш ва бу борадаги ташабbusларини қўллаб-қувватлаш муҳим саналади.

Юқорида келтирилган тавсиялар асосида мамлакатимиз келажаги бўлган ёшларнинг қалбида ёмонликка нафрат, яшаётган юртига хурмат ва эртанги кунига нисбатан ишонч ва умид ҳис-туйғулари пайдо қилиш ҳамда радикаллашув жараёнларининг олдини олишга эришиш мумкин.

**Мустақил тадқиқотчи**

**Қурбонов Элдор Аҳрович**